



## НОТАРИАЛ ХУЖЖАТЛАРДА ОИЛА МАСАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Қамбаров Аъзам Мухаммадали ўғли

Халқаро ислом академияси “Ислошунослик ва ислом  
цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси кат. ўқитувчиси  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10462097>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 04<sup>th</sup> January 2024

Online: 05<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Бадоиъ, Саноиъ, Косон, никоҳ,  
маҳр, фарз, вожиб, суннат,  
суннати сония, вакил, гувоҳ,  
мусулмонлар жамоаси,  
далил, ижмоъ, қиёс, истеҳсон,  
асл, усул, фуруъ, жоиз,  
рационал фикрлаш усули,  
ислом, имон, шариат,  
нафақа.

### ABSTRACT

Мақолада Имом Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас- Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобини Фотима бинт Алоуддин Самарқандий (Фотима Самарқандия)га уйланиш маросимида маҳр сифатида қабул қилиниши масаласининг шаръий-фиқҳий жиҳатларига эътибор қаратилади. Шариатдаги Никоҳ ва Маҳр тамойилларига доир мавжуд бўлган далилларга илмий тадқиқотчилик нуқтаи назаридан ёндошилади. Бунда ислом дини шариат қонунлари қаторида жаҳон тамаддунида мавжуд фикрлар ва қарашларга ҳам таянилади.

Мақолада ўртага ташланаётган фикрлар ҳанафийлик эътиқодий йўналиши методологик тамойиллари ва анъанавий усуллари талабларига риоя қилинган ҳолда шакллантирилади. Никоҳ ва маҳр борасидаги фикрлар Самарқандлик фиқҳ олими Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас- Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобида ва умуман Марказий Осиё диёрида, хусусан Республикамизда жорий қилинган фиқҳий қоидалар ва юридик далилларга таянган ҳолда замонавий меъёрлар асосида мушоҳада қилинади.

Ўзбекистон Республикамизда 1998-йил 1-сентябрдан 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат бўлган Оила кодекси кучга кирди. Ушбу Оила кодексининг 43(13-56) моддаси “Никоҳ” масаласига ажратилган. Оила Кодексига янги Никоҳ шартномаси тушунчаси киритилди. Оила Кодексининг 23 ва 36- моддаларида никоҳ шартномасига боғлиқ ечимлар мавжуд. Никоҳ шартномаси тушунчаси фуқаролик ҳуқуқи тушунчалари орасида янги кириб келган тушунчалардан бўлиб, никоҳланувчи шахсларнинг никоҳда бўлган даврида ёки никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат саналади. Никоҳ шартномаси тушунчаси чет эл қонунчилигида анчадан бери бор. Бизнинг



қонунчилигимизга бу тартиб бозор иқтисодиётининг чуқурлашиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, хусусий мулкнинг қонунлашуви билан боғлиқ равишда кириб келди.

Дарҳақиқат, никоҳ тузилганиданоқ эр-хотиннинг топган ҳамма мулки, амалдаги қонунчиликка кўра, уларнинг биргаликдаги умумий мулкидир. Оила Кодексида қонуний умумий мулк тартиби сақланган ҳолда, мулкнинг шартномавий тартибига ҳам ўрин берилди.

Аммо айтиш керакки, ҳозирги қонунчилигимиздаги никоҳ шартномасида эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ мажбуриятлари белгиланган, холос. Шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар эса эр-хотиннинг ўзаро келишиб ҳал қилишларига қолдирилган.

Россия Федерациясининг 1996-йил 1-мартдан кучга кирган янги қабул қилинган Оила кодексининг 4-моддасида ҳам никоҳ шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши кўрсатилган. У ҳам бизнинг республикамиздаги сингари эр-хотиннинг фақат мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

АҚШда эса никоҳ шартномаси тушунчаси эр-хотиннинг нафақат мулкӣ ҳуқуқ мажбуриятларини, балки шахсий ҳуқуқ мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади. Демак, АҚШдаги никоҳ шартномаси республикамиздаги ва Россия Федерацияси қонунчилигида кўзда тутилган никоҳ шартномаларидан ўз предмети доираси билан фарқ килади.”<sup>1</sup>

Ислом Шариатининг таркибий қисми бўлган Ҳанафий мазҳабимиз қонунларида никоҳнинг ийжоб ва қабул шарти, маҳр бериш ва белгилаш тартиблари батафсил ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳозирги қонунчилигимизда маҳр масаласига етарлича эътибор қаратилмаган.

Кun.uz журналисти Гулмира Тошниёзова маҳрнинг нима эканлиги ва унга нима берилса жоизлиги юзасидан сўровнома ўтказди. Табиийки, бу жараёнда турмуш қурганларга савол берилди ва натижаларга кўра маҳрни кўпроқ совға деб тушунадиган аёллар кўпчиликни ташкил қилиши, баъзи юртдошларимиз маҳрни никоҳ пайтида эшитишганини, ҳатто маҳр ҳақида умуман билмайдиган аёллар ҳам учраётгани каби фактларни келтиради.

Гулмира Тошниёзова “Маҳр – аёлнинг ҳақи. Унинг миқдори қанча ва қандай адо қилинади?” номли мақоласида бу масалада билимга эга бўлган замондошларимиздан ҳам фикр сўрайди.

Олима Одинахон Муҳаммад Содик шундай дейди:

– Маҳр бу аёл ва эркак ўртасида ақди никоҳ қилинган пайтда келинга бериладиган молиявий ҳақ ҳисобланади. У аёл кишининг ҳаққидир. Қуръони Каримда 4 ўринда уни беришга буйруқ қилинган. Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳам «Маҳр бериш учун бир темир узук бўлса ҳам топгин», дея уйланадиган кишига маҳр беришга буйруқ қилганлар.

Маҳрни куёв беради – унинг ота-онаси эмас. Бу билан унга оилабошилиқ масъулияти англатилади. Маҳр миқдорининг энг ками 4,25 грамм тиллага тенглаштирилади. Шу қийматдан тушмаслиги керак. Энг кўпининг эса чегараси йўқ.

<sup>1</sup> Мўминова З. Никоҳ шартномаси тўйдан олдин тиббий кўрик. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – Б.3-6.



Турмуш қурадиган ёшларимизга маҳр бериш ва олиш фарзи ҳақида таълимот берилиши лозим. Йигитларга зиммасидаги маҳр бериш, қизларимизга маҳр талаб қилиш ҳуқуқлари, миқдори ҳақида англатиш керак бўлади. Ҳозирги пайтда бу масалани кўпчилик яхши англамаяпти. Буни никоҳ пайтида ёшларга англатиш имом-домлаларнинг вазифасига киради. Никоҳ пайтида келинда ҳаяжон ёки уят ҳисси туфайли буни сўрай олмаслиги мумкин. Шундай вазиятда унинг отаси ёки ака-ука, яқинларидан бирига бу вазифа юклатилади. Келиннинг номидан маҳр миқдорини эълон қилиб, талаб қилишлари жоиз бўлади.

Маҳр берилиш муддатига кўра иккига бўлинади: муъажжал, яъни тезлатиб бериладиган маҳр ва муажжал, яъни кейинроқ бериладиган маҳр. Келишилган маҳрнинг бир қисмини тўй пайтида бериш, қолганини вақт ўтиб айтилган муддатида бериш мумкин. Бу муддатни гувоҳлар иштирокида келишиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқа қарзлар каби маҳр ҳам эркакнинг зиммасида то вафотига қадар тураверади.

Маҳрга қўлга киритилладиган мол-мулк берилиши вожиб бўлади: у тилла, пул уй-жой бўлиши мумкин. Маънавий нарсалар маҳр сифатида берилмайди – улар маҳр бўла олмайди, чунки улар қўлга киритилладиган мулк эмас. Агар уй-жойдан маълум хоналар ажратиб берилса, ўша хона унинг мулки ҳисобланади. Агар сабабларга кўра турмуш давом этмайдиган бўлса, ўша жой унинг мулкидир, истаса кириб яшаши, истаса унинг қийматини сўраб, ҳисоблаб ҳаққини олиши мумкин. Эр-хотин бўлиб яшагандан кейин қанақа айб билан ажрашган тақдирда ҳам аёл маҳрини олиши шарт. Авваллари бу қозилар орқали ҳал қилинган. Исломиё давлатларда бу қонунга киритилган: эркак киши маҳрни айтилган вақтда бермаса тегишли тартибда қонунан ҳал қилинади. Бизда кўпинча имом-домлаларга мурожаат қилинади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво бўлими мутахассиси Саййид Аҳмад Сайдаралиев маҳр масаласида шундай жавоб беради:

– Маҳр масаласи Исломиё шариатида жуда муҳим масалалардан бири эканлигига унинг айнан Қуръони Каримда зикр қилиниши кифоя қилади. Нисо сурасида «Модомики никоҳ билан аёллардан фойдаланар экансиз, уларнинг белгиланган, ўлчанган маҳрларини бериб қўйинг» дейилган. Афсуски охириги пайтда бу масала анча оқсаб қолди. Кўп ҳолатда шунчаки никоҳ пайтида бир сидра зикр қилинади, аммо амалда ҳеч нарса қилинмайди. Уни бир эслаб ўтилади, кейин эса аёл киши кечиб юборади, деган фикр пайдо бўлиб қолди. Аёллар ўзининг маҳр деган ҳаққи борлигини, уни чин кўнгилдан олишлари мумкинлигини сезмаган, билмаган ҳолатлар кўп. Ҳатто маҳр нима эканлигини билмайдиган аёллар қанча. Маҳр бу аёл кишининг ҳаққидир. Унга бераётган нарсамиз бевосита ўзининг тасарруфида бўлиши керак. Оилада, ижтимоий ҳолатда ишлатилладиган нарса бўлмаслиги керак. Масалан, кирювиш машинаси, телевизор ёки мебел кабилар бўлмаслиги керак. Маҳрнинг миқдори бугунги кунда 1,5-2 млн атрофида бўлиши керак. Бу энг кам маҳр миқдори ҳисобланади. Бундан кам бўлмаслиги лозим, кўпининг чегараси йўқ.

Юридик фанлар доктори Гулчехра Маткаримова маҳр борасида қуйидагича фикр билдиради:



– Бугун никоҳга киришиш жараёнида эркак ва аёл муносабатларига аҳамият берилмай қўйди. Ҳамминг хаёлида фақат тўй қилиш. Никоҳ шартномаси маҳрнинг замонавий кўриниши ҳисобланади. Бу бизга Европадан кириб келмаган. Олдин ҳам Ўрта Осиё ҳалқларида никоҳ шартномаси мавжуд бўлган. Маҳр ҳам бекорга киритилмаган. Бу аёлни ҳимоя қиладиган механизм. Ўша аёлнинг турмуши бузиладиган ёки эри вафот этадиган ҳолатларда аёлни ҳимоя қилиш. Маҳр беришдан қочиш жуда ёмон ҳолатларга олиб келмоқда. Никоҳ шартномаси тузишни, маҳр беришни иштамайди. Айримлар келинни уйига рўйхатга қўйишни иштамайди, оқибатда фарзандлари билан кўчада қолиш ҳолатлари рўй беради.

Яқинда бир ёшгина тақводор келин мурожаат қилди. Турмуш ўртоғи жуда катта қори йигит экан. Бунга қарангки, маҳрида ҳеч нарса йўқ. Шундай билимли, ҳамма нарсани тушунадиган инсонлар ўртасида маҳр муносабатларига жиддий қарамас экан, оддий дунёвий инсонлардан нима талаб қиламиз?

Демакки, Ислом маърифатини сингдиришимиз керак, уни тарқатишдан чарчаш керак эмас. Масалан, Францияда бундай дарслар киритилган, бизга ҳам керак шу нарса. Тарбия каби дарсларда ўргатишимиз лозим. Диншунос эмасман, лекин ота-боболаримиз маҳрни қандай берилиши ҳақида сингдиришган бизга. Биз ҳам болаларимиз онгига сингдириб бориш, уни одатга айлантиришимиз керак.

Ҳозирда Оила кодекси янгидан ишланди, назаримда бу кодексда мана шу масалаларнинг инобатга олиш керак. Ёки бунинг мажбурият ҳиссини, масъулиятини кўтаришимиз керак. Чунки аёллар мулксизлиги жамиятга жуда катта зарар келтиряпти. Бу масала устида диншунос олимларимиз, депутатларимиз ишлаши керак. Маҳрни одатга айлантириш, масъулият юқини юқорига кўтариш лозим. Агар бунга юридик шакл бериш имкони бўлса уни киритиш ёки бунга имкон бўлмаса, болаларимиз онгига сингдириш, тарбиялашда эътиборни кучайтиришимиз керак.”<sup>2</sup>

Шариатимиз қоидаларида никоҳнинг бир вақтда ва битта маконда содир бўлиши лозимлиги таъкидланади. Абу Бакр Косоний раҳимахуллоҳ ўзининг “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли асарида бу борада шундай ёзади: *وأما الذي يرجع إلى مكان العقد فهو اتحاد المجلس إذا كان العاقدان حاضرين وهو أن يكون الإيجاب والقبول في مجلس واحد حتى لو اختلف المجلس لا ينعقد النكاح،* яъни: “Никоҳ ақди боғланаётган жой масаласидаги шартига келинганда, у мажлисининг бир жойда бўлиши, яъни келин-куёвнинг бир мажлисида ҳозир бўлиши ҳамда ийжоб (яъни, таклиф) ва қабулнинг ҳам шу мажлис гувоҳлигида содир бўлишидир. Агар мажлис бошқа-бошқа бўлса никоҳ боғланмайди”<sup>3</sup>

Ҳозирги кунларда онлайн тарзда ёки маҳрсиз никоҳ ўқитиб олиш каби алдов ва шариатни оёқ ости қилиш хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган ишларга таниқли фикр уламолари эҳтиёткорона ёндошадилар.

<sup>2</sup> Тошниёзова Г. Маҳр – аёлнинг ҳақи. Унинг миқдори қанча ва қандай адо қилинади? Мақола. muslim.uz. – Апр 19, 2021 <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/26308>

<sup>3</sup> Абу Бакр (Алоуддин) Косоний. “Бадоиъус-саноиъ”. – Ж: 2. – Б.232.



## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. // URL: <https://lex.uz/docs/104720>
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.// URL:<https://lex.uz/docs/180552>
3. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири.Т.: “Tafsir-books” нашриёти . 2023 – 624 б.
4. Алимов Усмонхон. Расулуллоҳнинг муборак васиятлари. Тошкент. “Маворауннаҳр” – 2014. 403Б.
5. Мансуров. А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 618 б.
6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, “Саҳиҳи Бухорий” 1-2-том. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Мадвалиев А., таҳрири остида. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” -2008. 633-бет.
8. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. “ناخيضقلا بواتف” (Қозихон фатвоси), 7-жилд. Байрут: “Дарул фикр”, 2010. – 376 б.
9. Юсупова Н. Ж. “Ислонда оила ҳуқуқи: ўқув қўлланма”. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 320 б.
10. Тошқулов Ж., Юсупова Н., Бекмирзаев И., Сарсенбаев А., Масаидов С. / Масъул муҳаррир: Ж.Тошқулов. Ислон ҳуқуқшунослиги: ўқув қўлланма – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 408 б.
11. Мансурова Н. М. Фахруддин Ўзгандийнинг эр-хотиннинг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қарашлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022) Б. 8-13. <https://uzmarkaz.uz/uploads/2023/01/urist-ahborotnomasi20224son.pdf>
12. Тошниёзова Г. Маҳр – аёлнинг ҳақи. Унинг миқдори қанча ва қандай адо қилинади? Мақола. muslim.uz. - Абр 19, 2021 <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/263081>.